

ЛОЙИХА-СМЕТА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН ШАРТНОМА

Қўкон шаҳри

№ 28

«10» 08 2022 йил

«KELAJAK-S» хусусий корхонаси Низоми асосида иш юритувчи директор И.Р.Уралов, келгусида «БАЖАРУВЧИ» деб номланувчи бир томондан ҳамда иккинчи томондан Қўкон Давлат Педагогика институти номидан Низом асосида иш юритувчи Ректор Д.Ш.Ходжаева келгусида «Буюртмачи» деб номланиб, қуйидагилар ҳақида шартнома туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Шартнома «БУЮРТМАЧИ»нинг топшириғига биноан «БАЖАРУВЧИ» томонидан қуйидаги ишларни бажарилишини белгилайди: Қўкон шаҳар Дархон кўчаси, 18-уйда жойлашган Қўкон Давлат Педагогика институти 3-талабалар турар-жой биносини мукаммал таъмирлаш (2-босқич) объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш (лойиҳа-смета ҳужжатларига Давлат экспертизасидан ижобий хулоса олиш билан бирга) тўғрисида.

2. Шартнома бўйича ишларнинг нархи.

2.1. Шартноманинг умумий киймати барча солиқлар шу жумладан ҚКСни ҳисобга олган ҳолда 70 580 915 (Етмиш миллион беш юз саксон минг тўққиз юз ўн беш) сўмни ташкил этади.

2.2. «БУЮРТМАЧИ» иш бошланишидан олдин бўнак (аванс) тарикасида ишнинг тўла нархидан 30%ни «БАЖАРУВЧИ»га ўтказиш мажбуриятини олади.

3. Бажарувчининг мажбуриятлари.

3.1. Барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаради.

3.2. Лойиҳа ҳужжатларини қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли тартибда бажарилишини таъминлайди.

3.3. Ишларни қабул қилиш даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилади.

4. Буюртмачининг мажбуриятлари.

4.1. «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ»га лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаганлиги учун келишилган нархда тўловни амалга оширади..

4.2. Шартномада белгиланган муддатда ва тартибда бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва унинг кийматини «БАЖАРУВЧИ» га тўлайди.

5. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс-мажор).

5.1. Томонлар ўзларига боғлиқ бўлмаган бартараф этиб бўлмайдиган кучлар ёки фавкулотда ҳолатлар оқибатида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни бажара олмаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

5.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтда мос равишда орқага сурилади. Форс-мажор ҳолати 3 ойдан ортиқ давом этадиган бўлса шартнома тарафларнинг бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Форс-мажор ҳолати юз берганлиги ваколатли давлат органларининг маълумотномаси билан тасдиқланади.

6. Томонларнинг мажбуриятлари.

6.1. «БАЖАРУВЧИ» ишни ўз вақтида асосиз бажармаса «БУЮРТМАЧИ»га ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5% миқдорида жарима тўлайди, лекин шартнома кийматининг 50% дан ортиб кетмаслиги лозим.

6.2. Ушбу шартномани 2.1-бандида кўзда тутилганлар бажарилмаган тақдирда «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ»га ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган маблағнинг 0,4% миқдорида жарима тўлайди, лекин жарима миқдори умумий маблағнинг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Неустойка (жарима, пеня) тўлаш томонларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

7. Шартномани бекор қилиш.

7.1. «БУЮРТМАЧИ»:

- Шартнома кучга киргандан кейин иш бошланиши «БУЮРТМАЧИ»га боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра «БАЖАРУВЧИ» томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- Ишларни тугатишни мазкур шартномада белгиланган муддати «БАЖАРУВЧИ»нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қўпайган ҳолда, «БАЖАРУВЧИ» томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- «БАЖАРУВЧИ» томонидан шартнома шартларида кўрсатилган ишларни сифати пасайишига олиб келадиган даражада бўлмаганда конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7.2. «БАЖАРУВЧИ»:

- Ишларнинг бажарилиши «БАЖАРУВЧИ»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «БУЮРТМАЧИ» томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- «БУЮРТМАЧИ» томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7.3. Мазкур шартномани бекор қилинишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

7.4. Шартнома тарафларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

7.5 Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8. Низоларни ҳал этиш тартиби.

8.1. Ушбу шартномани бажарилиши юзасидан келиб чиқадиган низоларни томонлар ўзаро келишув асосида ҳал қилиш учун барча чораларни кўрадилар.

8.2. Келиб чиққан низолар бўйича томонлар бир битимга кела олмаганлари тақдирда, ушбу низолар амалдаги конун талаблари асосида иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

9. Алоҳида шартлар.

9.1. Мазкур шартномага имзо чекилгандан кейин томонлар ўртасидаги мазкур шартномага дахлдор олдинги барча ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, музокаралар, агар улар мазкур шартномага зид келган тақдирда ўз кучини йўқотади.

9.2. «БАЖАРУВЧИ» бажарилган иш ҳужжатларини «БУЮРТМАЧИ»нинг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

9.3. Мазкур шартномага барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий деб ҳисобланади ҳамда Ҳазначилик бошқармаси томонидан рўйхатга олингандан сўнг кучга қиради.

9.4. «БУЮРТМАЧИ» билан «БАЖАРУВЧИ» ўртасида мазкур шартномадан келиб чиқадиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилиб, Ҳазначиликдан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга қиради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

10. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари.

«БАЖАРУВЧИ»



«БУЮРТМАЧИ»

«KELAJAK-S» ХК

Манзил: Наманган шаҳар, Б.Машраб, 32

Тел/факс: (69) 227-80-74, 227-84-38

х/р: 2020 8000 4034 8585 2001

ХАБ «Трастбанк» Наманган филиали

МФО: 01 060, СТИР: 202 430 660

ИФУТ: 71 110

Рахбар:

И.Уралов

М.У.



Қўқон Давлат Педагогика институти

Манзил: Қўқон шаҳар, Турон кўчаси, 23

Тел/факс: (73) 542-38-38, 542-11-43

Ш.х.в: 400810603040570841000-2000

СТИР: 10015171, ИФУТ: -

Молия Вазирлиги Ягона Ҳазна ҳисоб варағи

Ҳазна х/в: 2340 2000 3001 0000 1010

ХККМ МБ Тошкент шаҳар бош бошқармаси

МФО: 00 014, СТИР: 201 122 919

Рахбар:

М.У.



Юрист:

(ИМЗО)

Д.Ходжаева

[Handwritten signature]

«10» август 2022 йилдаги № 28 - сонли шартномага илова
/шартнома, қўшимча келишув, буюртма/

ЛОЙИХА-СМЕТА ИШЛАРИ УЧУН СМЕТА

Лойиҳа-смета ишларини топшириш, лойиҳалаш боскичлари, бино, иншоот, корхона номланиши:

Қўқон шаҳар Дархон кўчаси, 18-уйда жойлашган Қўқон Давлат Педагогика институти 3-талабалар турар-жой биносини мукамал таъмирлаш (2-боскич) объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш (лойиҳа-смета ҳужжатларига Давлат экспертизасидан ижобий хулоса олиш билан бирга).
(Ишчи лойиҳа боскичи)

Лойиҳа ташкилот номи: «KELAJAK-S» хусусий корхонаси

Буюртмачи ташкилот номи: Қўқон Давлат Педагогика институти

№ т-р	Корхона, бино ёки иш тури тавсифи	Бўлим, жадвал ва параграфга асосланиши	Қийматининг хисоби	Қиймати (сўм)
1	2	3	4	0
1	Қўқон шаҳар Дархон кўчаси, 18-уйда жойлашган Қўқон Давлат Педагогика институти 3-талабалар турар-жой биносини мукамал таъмирлаш (2-боскич) объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги №396-сонли буйруғига асосан тасдиқланган Низомга асосланиб ҳисоблаш ишлари бажарилди.	2 276 803 695 x 0,03	68 304 111
2	Лойиҳа-смета ҳужжатларига Давлат экспертизасидан ижобий хулоса олиш		2 276 803 695 x 0,001	2 276 804
x	Жами:	x	x	70 580 915

Смета бўйича жами: Етмиш миллион беш юз саксон минг тўққиз юз ўн беш сўм ҚҚС билан.
(йигиндиси сўз билан)

«KELAJAK-S» ХК директори:

Лойиҳа бош муҳандиси:

И.Уралов

М.Мухамедшаев

Буюртмачи:

Д. Рончаев



29 07 2022й йил кунги 22110012130173 лот рақами билан ҚДПИга 3-талабалар турар жой биносини капитал таъмирлашга лойиха смета хужжатларини тайёрлаб бериш хизмати учун лойихачи ташкилотни танлаб олишга etender.uzex.uz платформасига энг яхши таклифларни танлаб олиш учун жойлаштирилган эълон натижасини аниқлаш учун харид комиссиясини йиғилиши боғлиқ

Б А Ё Н № 6

Қатнашдилар:

Комиссия раиси, ректор:

Д.Ходжаева

Комиссия аъзолари:

Проректор:

Ж.Аъзамов

Коррупсияга қарши курашиш
комплаенс-назорати тизимини
бошқариш бўлими бошлиғи:

Т.Сиддиқов

Ҳуқуқшунос:

Х.Ҳазраткулов

Режа ва молия бўлими бошлиғи:

Н.Ҳолиқов

Қасаба уюшмаси раиси:

А.Раҳматуллаев

Бош ҳисобчи:

А.Абдурахимов

Ушбу эълонга 5 нафар лойихачи ташкилотлар қатнашди. Жумладан:

«Наманган саноат лойиха» КТХФ

«Тараққиёт меъмор» МЧЖ

«Проект сервис» ООО

«Ордер мах прожект» МЧЖ

«Келажак-с» Х/К томонидан таклифлар келиб тушган.

Таклифлар бўйича комиссия аъзолари томонидан 06 08 2022йил куни ўрганиб чиқиб баҳоланган ва 2 кун муҳокамага қўйилган.

ҚДПИга 3-талабалар турар жой биносини капитал таъмирлашга лойиха смета хужжатларини тайёрлаб бериш хизмати бўйича «Келажак-с» Х/К ғолиб этиб топилди. Ушбу ташкилот билан шартнома тузилди. 10 08 2022йил кунигача ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади.

Комиссия раиси, ректор:

Д.Ходжаева

Проректор:

Ж.Аъзамов

Коррупсияга қарши курашиш
комплаенс-назорати тизимини
бошқариш бўлими бошлиғи:

Т.Сиддиқов

Ҳуқуқшунос:

Х.Ҳазраткулов

Режа ва молия бўлими бошлиғи:

Н.Ҳолиқов

Қасаба уюшмаси раиси:

А.Раҳматуллаев

Бош ҳисобчи:

А.Абдурахимов